

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

“AGRO FINANS LIZING” AJ

Объявление

“AGRO FINANS LIZING” AKSIYADORLIK JAMIYATI

“AGRO FINANS LIZING” AJ

**“AGRO FINANS LIZING” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

### **БИЛДИРИШНОМА**

“AGRO FINANS LIZING” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2021 йил 10 февралдаги мажлис баённомаси билан тасдиқланган “AGRO FINANS LIZING” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори 2021 йил 26 мартда Q0677-6-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қилади.

Ушбу чиқарилиш доирасида эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1 000 сўм бўлган умумий қиймати 95 100 000 000 сўмлик 95 100 000 (тўқсон беш миллион юз минг) дона оддий акциялар жойлаштирилади. Акцияларнинг ҳар бир донаси учун сотиш нархи 1 000 сўм.

Ушбу акциялар “LEADER FINANCE” масъулияти чекланган жамиятига ёпиқ обуна орқали қонунчиликда ўрнатилган тартибда жойлаштирилади.

Акциядорлар қўшимча чиқарилган акциялардан ўзи эгаллик қилаётган шу турдаги акциялар улушига мутаносиб равишда сотиб олишлари мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати ушбу билдиришнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 10 кунни ташкил этади.

Жамият акцияларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 10 февраль ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

Жамиятнинг почта манзили: 100156, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20А-мавзе, 9-уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@agrofinanslizing.uz](mailto:info@agrofinanslizing.uz).

27.03.2021й.

27.03.2021

---

Источник: <http://openinfo.uz/uz/announce/10995/>

Дата: 13.05.2022